



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidiyjournal.uz

+998971 244-35-36
 @moturidiyuz

www.moturidiy.uz
info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масъул муҳаррир:

Зафар Фахриддинов,

Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

“Мотуридийлик” журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) 4

Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари 13

Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби 20

Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти 28

ДИНШУНОСЛИК

Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил 36

Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши 46

Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили 55

Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич 63

ИСЛОМ ТАРИХИ

Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) 70

Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи 80

Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида 87

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари 94

Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти 104

Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари 112

Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит 122

Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari 130

Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi 137

Mas'udkhon M. ISMOILOV,
*International Islamic Academy of Uzbekistan,
Candidate of Historical Sciences, Assistant Professor
of the IESCO department for Islamic
Studies and Islamic Civilization.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*
E-mail:

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/13

ёшларимиз таълим-тарбиясида янада зарур бўлиб, уларни Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, исломий билимлар, хусусан, тасаввуф таълимоти ва тарихини ўрганишга ҳукумат томонидан ташабbus кўрсатилди. Йирик алломалар илмий меросини ўрганиш борасида халқаро анжуманлар ташкил этилди.

Сўнгги йилларда миллий қадриятларимиз ва муқаддас динимизга оид анъаналар халқимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишида муҳим омиллардан бири эканини мулоҳаза қилиб иш юритаётган мамлакатимиз раҳбарияти бой маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган қадимги ёзма манбаларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ҳукумат қарорларида аждодларимизнинг улкан маънавий, илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бўйича аниқ кўрсатмаларни белгилаб берилган. (ПҚ: <https://lex.uz/docs/4791086>).

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бундай таъкидланган: “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафакат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришими зарур” (Мурожаатнома. <https://xs.uz/uzkr/post/>).

Бундай кўрсатмалар исломшунос, тарихчи, адабиётшунос олимларга катта масъулият юклайди ва кўлёзма манбаларга асосланган ҳолда ўз илмий тадқиқотларини олиб бориш ва улардан олинган натижаларни халқимизга эълон қилиб бориш вазифасини кўяди. Чunksi, буюк келажакка кўз тиккан, учинчи ренессансни кўзлаган халқ ўз тарихини, адабиётини ва диний таълимотларини яхши билсагина кўзлаган мақсадига етиши мумкин. Марказий Осиёнинг ўрта асрлар тарихини ва адабиётининг ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи эса, тасаввуф тарихи ва таълимотидан ҳам хабардор бўлиши керак.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО “ҲАФТОДУ СЕ ФИРҚА” РИСОЛАСИННИГ ИСЛОМДАГИ ФИРҚАЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

THE SIGNIFICANCE OF KHLWAJA MUHAMMAD PORSO'S BOOK “HAFTADU SE FIRQA” IN THE STUDY OF ISLAMIC SECTS

О ЗНАЧЕНИИ ТРАКТАТА “ҲАФТОДУ СЕ ФИРҚА” ХОЖА МУҲАММАДА ПОРСО ДЛЯ ИЗУЧЕНИЯ СЕКТ В ИСЛАМЕ

КИРИШ

Жаҳон цивилизация марказларидан бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида умуминсоний қадриятлар даражасига молик моддий ва маънавий бойликлар жуда кўп бўлиб, улар авлоддан авлодга етказиб келинаётган обидалар, қадимда яратилган қўлёзма асарлар халқимиз даҳосини кўз-кўз қилиб туради. Бундай нодир дурдоналар бу юртдан етишиб чиқсан олимларнинг закосидан дарак беради.

Ислом дини юртимизга милодий VII асрда кириб келгач, олимларимизнинг чуқур ўрганишлари ва кенг тадқиқотлар олиб боришлари туфайли бу дин янада ривож топди. Бунинг натижасида юртимиздан Ислом динининг барча йўналишларида буюк алломалар етишиб чиқди.

Бугун Ўзбекистонда олимларимиз қолдирган илмий меросларини ўрганишга алоҳида аҳамият кўрсатилмоқда, уларнинг панду насиҳатлари ва бой илм-маърифатлари асосида ёшларни бағрикенглик руҳида тарбия қилишга катта ургу берилмоқда.

Дарҳақиқат, аллома боболаримиз битиб кетган асарларни ўрганиш, хозирги замон тараққиёти ва глобаллашув руҳиятини ҳисобга олган ҳолда

Аннотация. Мақолада төмүрийлар даври тарихи, маңнавий ҳаётига доир масалалар қаламга олинган. Бу даврда юртимизда яшаган халқтарнинг маңнавиятида китта аҳамият касб этган Яссавия, Кубравия ва Ҳожсагон-нақибандия тарикатлари вакилларининг фаолияти ўрганилган. Жўмладан, Баҳоуддин Накибанд ҳамда унинг султонлари Алоуддин Аттар, Ҳоджа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий каби шайхлар ҳаёти ва улар ёзид қолдирган масаввуф соҳасидаги асарлар ҳақида маълумот берилган.

Ҳожсагон-нақибандия тарикатининг ёзма меросга айланниши, илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилши, таълимот сифатида шаклланиши биринчи наabbатда Ҳоджа Муҳаммад Порсонинг илмий фаолияти, унинг қаламига мансуб асарлар воситасида амалга ошган. Унинг асарлари шариатнинг турли масалаларига, масаввуф назариясига, хусусан, ҳожсагон-нақибандия тарикати таълимотига багишланган.

Муҳаммад Порсонинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ўйқотган эмас, албатта. Масалан, унинг “Ҳафтоду се фирмқа” (“Етмиши уч фирмқа”) рисоласи ақида мавзусидаги бошқа асарлари каби бугунги глобаллашув даврида ақидапараст адаиган оқим вакилларига раддиялар беришида илмий асосли қўрсатмалар баён қилинган қўмматли манба сифатида муҳимдир. “Ҳафтоду се фирмқа” рисоласи ушибу мақоланинг марказида туради. Асар Ислом умматининг етмиши уч фирмқага бўлниб кетиши хабарини берувчи ҳадис билан бошланган ва муалифга маълум бўлган фирмқалар рўйхати келтирилган ҳамда ҳар бир фирмқанинг асосий гояси баён қилинган, кейин уларга аҳли сунна олимларининг раддияси келтирилган.

Калим сўзлар: Ҳоджа Муҳаммад Порсо, етмиши уч фирмқа, масаввуф, төмүрийлар даври тарихи, радикал оқимлар, алломалар илмий мероси.

Abstract. The article discusses the issues related to the history of the spiritual life of the Timurid period. It studies the activities of representatives of the Yassawiyah, Kubrawiyah and Khwajagan-Naqshbandiyyah Sufi orders which gained great importance in the spirituality of people who lived in our country during that period. In particular, the article provides information on the biographies of such sheikhs as Bahā' al-Dīn Naqshband and his caliphs 'Alā' al-Dīn 'Aṭṭār; Khwaja Muhammad Parsa, Ya'qūb Charkhi as well as the works in the field of Sufism.

The transformation of Khwajagan-Naqshbandiyyah order into a written heritage, its scientific-theoretical foundation and its formation as a doctrine took place primarily through the scientific activity of Khwaja Muhammад Parsa and his works. His works are devoted to various issues of the Shariah, the theory of Sufism, in particular, the teachings of the Khwajagan-Naqshbandiyyah Sufi order.

Muhammad Parsa's legacy of works and teachings has been of great importance till these days. For instance, his treatise “Haftadu se firqa” (“Seventy-three sects”), like his other works on the subject of faith, is important as a valuable source of scientifically based instructions for refuting the representatives of fanatical misguided movements in today's globalization era. The treatise “Haftadu se firqa” is the focus of this article. The work begins with a hadith that informs about the division of the Muslim Ummah into seventy-three sects, and lists the sects known to the author and explains the main idea of each sect, followed by the refutation of Ahl al-Sunnah scholars.

Keywords: Khwaja Muhammад Parsa, seventy-three sects, Sufism, history of the Timurid era, radical sects, scholarly heritage

Аннотация. В статье освещаются вопросы, связанные с историей духовной жизни тимурийского периода. В ней изучается деятельность представителей суфийских тарикатов яссавия, кубравия и ходжагон-накибандия, которые приобрели большое значение в духовности народов, населявших нашу страну. В частности, приводятся сведения о жизни таких шейхов, как Баҳауддин Накибанд и его халифах Алауддин Аттар, Ҳоджа Муҳаммад Порсо, Якуб Чархи и работах в области суфизма.

Трансформация идей ордена ходжагон-накибандия в письменное наследие, его научно-теоретическое обоснование и формирование как учения произошло прежде всего благодаря научной деятельности Ҳоджи Муҳаммада Порсо и его трудам. Его работы посвящены различным вопросам шариата, теории суфизма, в частности, учению тариката ходжагон-накибандия.

Научное наследие Моҳаммада Порсо, безусловно, не утратило своего значения и сегодня. Например, его трактат “Ҳафтоду се фирмқа” (“Семьдесят три секты”), как и другие его работы на тему веры, важен как ценный источник научно обоснованных указаний для опровержения представителей фанатичных заблуждающих течений в условиях современной глобализации. Брошюра “Ҳафтоду се фирмқа” находится в центре внимания этой статьи. Работа начинается с хадиса, сообщающего о разделении исламской уммы на семьдесят три секты, перечисляются известные автору секты и поясняется основная идея каждой секты с последующим опровержением ученых Ахлу Сунны.

Ключевые слова: Ҳоджа Муҳаммад Порсо, семьдесят три течения, суфизм, история тимурийского периода, радикальные течения, научное наследие.

АСОСИЙ ҚИСМ

Темурийлар даври тарихи билан шуғулланган олимларнинг илмий ишларини ўрганар эканмиз, бу даврда ҳам тасаввуф таълимоти юртимизда яшаган халқларнинг маънавиятида катта аҳамият касб этганини кўришимиз мумкин. Ўлкада яссавия, кубравия тариқатлари вакиллари билан бирга хожагон-нақшбандия тариқати пешволари ҳам фаолият олиб борганлар. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда унинг сultonлари Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий сингари шайхлар тасаввуф соҳасида қатор асарлар ёзиб қолдирганлар.

Хожагон-нақшбандия тариқати ёзма меросининг шаклланиши, илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилиши, таълимот сифатида юзага келиши шаклланиши биринчи навбатда Хожа Муҳаммад Порсонинг илмий фаолияти, унинг қаламига мансуб асарлар воситасида амалга ошган. Унинг асарлари шариатнинг турли масалаларига, тасаввуф назариясига, хусусан, хожагон-нақшбандия тариқати таълимотига бағищланган.

Хожа Муҳаммад Порсо 1349 йилда Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, қалом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст кишиларидан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия тариқатининг энг ийрик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Маҳмуд Ҳофиз Бухорийдир. “Порсо” унинг лакаби бўлиб, бу лакабни унга Баҳоуддин Нақшбанд берган.

Баҳоуддин Нақшбанд вафоти олдидан Хожа Муҳаммад Порсони ўз ўрнига таъйин қилганини унинг яқинларидан бўлган Хожа Али Домод қуйидагича тавсифлайди: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин охирги беморликлари пайтида ҳозирги жасадлари ётган қабрни кавлашга буюрдилар. Қабрни ковлаб бўлиб, уларнинг хузурларига келдим. Ўзларидан сўнг иршод ишига кимни буюрар эканлар, деган фикр кўнглимдан ўтди. Улар тўсатдан менга ўгирилиб: “Ҳижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин”, дедилар”(Рашаҳот.).

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг иккинчи султони Хожа Муҳаммад Порсонинг тарбиясига аҳамият қаратган ва унга катта умид боғлаган ҳамда ўзидан кейин муридларини бошқариш учун унга ишонч билдиран.

Хожа Муҳаммад Порсо икки марта ҳажсафарида бўлган. Дастрлаб пири Баҳоуддин Нақшбанд билан, кейинчалик эса 1419 йили борган. У бу сафарини Бухоро, Насаф, Термиз, Балх, Ҳирот, Нишопур орқали қилган. Бу шаҳарлар аҳолиси уни катта ҳурмат билан кутиб олишган. Маккаи мұкаррамада ҳаж амалларини бажариб, Расулуллоҳ (с.а.в.) равзасини зиёрат қилиш учун Мадинаи мунавварага келади ва шу ерда ҳижрий 822 йил, 25-зулҳижжа ойи жума куни етмиш икки ёшида вафот этади ва Аббос (р.а)нинг қабри ёнига дағн қилинади. Бу сана милодий 1420 йил, 12 январга мувофиқ келади. Кейинчалик Шайх Зайниддин Ҳавофий (XV аср) унинг қабри устига Мисрдан оқ тош келтириб қўйдирган. Марказий Осиё халқлари маънавиятида, хусусан, тасаввуф тарихида чуқур из қолдирган аллома Хожа Муҳаммад Порсонинг вафотидан сўнг, илм, ахлоқ ва тасаввуфда беназир бўлган ўғли Абу Наср Маҳмуд ибн Муҳаммад Порсо (ваф. 986/1537) отасининг муридларига раҳбарлик килган. Хожа Абу Наср Порсонинг Хожа Абдулвалий Порсо исмли ўғли ҳам бўлган.

Хожа Муҳаммад Порсонинг бой кутубхонаси ҳам бўлиб, у ҳаётининг охирги йилларида барча китобларини вақф қилиб қолдирган. Порсонинг кутубхонасига тегишли китоблардан бир қисми бизгача етиб келган. Мазкур қўлёзмаларнинг бир қисми дунёнинг турли қўлёзма фонdlарида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ҳам сақланади. Бу кутубхонанинг тарихи ва кўлами Зиёдов Ш., Ҳабибуллаев А., Мўминов А., Некрасова Е. каби олимлар томонидан ўрганилган (Зиёдов Ш., 2009).

Порсога ислом дунёсининг турли бурчакларидан мактублар келиб турган. Буни “Қавл фил-ажвиба ҳазиҳ ал-асилат ал-мурсала мин Ҳирот ила Бухоро”, “Мактуб” номли рисолаларида кўриш мумкин.

Али Сафий “Рашаҳот”да Хожа Муҳаммад Порсода кароматлар ҳам бўлганини қайд этган, аммо бошқа ҳақиқий авлиёларда бўлганидек, Порсо ҳазратлари ҳам уни яширганлар, илм билан машғул бўлиб, асарлар ёзиб қолдирганлар.

Хожа Муҳаммад Порсо ижодида тафсир, ҳадис, тасаввуф, қалом, фикҳ соҳаларида асосий ўрин тутади. У фикҳ илмини улуғ олимлар силсиласи вакили бўлган Абу Тоҳирдан олган.

Хожа Мұхаммад Порсо қаламига мансуб асарларни шартли равиша күйидаги гурухлаш мүмкін: Қуръон илмлари, тафсир илмлари, хадис илмлари, калом илми, усули фикх, фикх, тасаввуф, адабиёт, биография, тарих ва география соҳалари. Унинг асосий асарлари сирасига “Фасл ал-хитоб”, “Таҳқиқот”, “Тафсири Қуръон”, “Рисолай қудсия”, “Рисолай маҳбубия”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор”, “Рисола дар одоби мурид” каби асарларни киритиш мүмкін.

Хожа Мұхаммад Порсонинг қаламига мансуб юқорида санаб ўтилган асарларнинг барчаси бизгача етиб келгани ва Тошкент, Истанбул ва Техрон шаҳарларидаги кутубхона фондларида иккى юзга яқин нусхада сақланиши аниқланди. Бу холат нақшбандия таълимотини ўз китобларида илмий жиҳатдан асослаб берган Хожа Мұхаммад Порсо илмий меросининг Марказий Осиё халқлари маданий тарихидаги ўрни анча салмоқли бўлганини, унинг асарларидан кейинги авлод олимлари ва мутасавифлари унумли фойдаланганини кўрсатади. Жумладан, кейинги давр муаллифларидан Абдурраҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Али Сафий, Шайх Худойдод, Тоҳир Эшон, И smoилхон Факирий каби мутасавифлар ўз асарларини ёзища Мұхаммад Порсо илмий меросига мурожаат қилишган. Бу эса Хожа Мұхаммад Порсо илмий меросининг Марказий Осиё халқларининг маданий ва маънавий ҳаётида асрлар оша ўз ўрнига эга бўлиб келганини кўрсатади.

Мұхаммад Порсонинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз ахамиятини йўқотган эмас, албатта. Масалан, унинг “Хафтоду се фирмә” (“Етмиш уч фирмә”)) рисоласи ақида мавзусидаги бошқа асарлари каби бугунги глобаллашув даврида ақидапараст адашган оқим вакилларига раддиялар беришда илмий асосли кўрсатмалар баён қилинган қимматли манба сифатида мухимдир. Зеро, Хожа Мұхаммад Порсонинг ижодида ақида ва тавҳид масаласи асосий йўналишлардан бири бўлган. Зотан, Ислом таълимотига кўра, комил инсон бўлиш учун ақида, фикх ва тасаввуфни ўзлаштириш лозимдир.

Нақшбандия тариқати назариётчиси сифатида тасаввуф илмida чукур из қолдирган Хожа Мұхаммад Порсонинг илмий меросини ва ақидавий, фалсафий қарашларини ўрганар эканмиз, комил инсон бўлиш учун етарли барча маълумотлар қамраб олинганини кўрамиз. Яъни,

олимнинг асарлари мазкур уч соҳа – ақида, фикх ва тасаввуф мавзуларида ёзилгандир.

Хожа Мұхаммад Порсо ҳазратлари ахли сунна вал-жамоа вакили ӯлароқ Мотуридия ақида мактабини ривожлантириш йўлида “Фасл ал-хитоб”, “Эътиқодот” ва “Хафтоду се фирмә” каби рисолалар ёзib қолдирган.

Биз ушбу мақолада “Хафтоду се фирмә” рисоласи ҳақида маълумот бермоқчимиз. Асар ислом умматининг етмиш уч фирмәга бўлиниб кетиши хабарини берувчи хадис билан бошланган ва муаллифга маълум бўлган фирмәлар рўйхати келтирилган ҳамда ҳар бир фирмәнинг асосий ғояси баён қилинган, кейин уларга ахли сунна олимларининг раддияси келтирилган.

Расулуллоҳ (с.а.в.). бир ҳадисларида бундай хабар берганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ تَقْرَئُنَّ الْيَهُودُ عَلَى إِحْدَى وَسَعْيَنَّ أَوْ اشْتَهَيْنَ وَسَعْيَنَّ فِرْقَةً وَالنَّصَارَى مِثْلُ ذَلِكَ وَتَقْرَئُنَّ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثَةِ وَسَعْيَنَّ فِرْقَةً. رَوَاهُ التِّرمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “Яхудийлар етмиш бир фирмәга ёки етмиш иккى фирмәга бўлиниб кетганлар. Насронийлар ҳам ўшанча (firmäga bўlinib ketiшган). Менинг умматим етмиш уч фирмәга бўлиниди”, дедилар” (Имом Термизий ривояти).

Бошқа ҳадисда бундай дейилган:

إِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ تَقْرَئُنَّ عَلَى شَتَّى مِنْهُمْ وَسَعْيَنَّ مَلَهَ وَتَقْرَئُنَّ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثَةِ وَسَعْيَنَّ مِلَهَ كُلُّهُمْ فِي النَّارِ إِلَّا مِلَهَ وَاحِدَةً قَالُوا وَمَنْ هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مَا أَنَا عَلَيْهِ وَأَضْحَابِي. رَوَاهُ التِّرمِذِيُّ

“Албатта Бани Исройл етмиш иккى миллатга бўлиниб кетганлар. Умматим етмиш уч миллатга бўлиниди, фақат битта миллатдан бошқа барчаси дўзахда бўлади”, – дедилар. Шунда (саҳобалар): Эй Аллоҳнинг Расули, улар ким? – дейишиди. У зот: “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлида бўлганлардир”, – дедилар” (Имом Термизий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифда фақат битта миллат тўғри йўлдан оғишмасдан нажот топишлари хабари берилган. Бу миллатнинг қандай сифатда бўлиши ҳақида бошқа бир ҳадисда шундай дейилган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ أُمَّتِي لَا يَجْتَمِعُ عَلَى ضَلَالٍ إِلَّا رَأَيْتُمُ الْخِتَالَفَأَقْعَدْتُكُمْ بِالسَّوَادِ الْأَعْظَمِ. رَوَاهُ أَبْنُ مَاجَةَ

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Умматим асло залолат устида жамланмайди. Шунинг учун қачон

ихтилоф кўрсаларинг “саводул аъзам”ни лозим тутинглар”, деяётганларини эшитдим” (Ибн Можа ривоят қилган).

“Саводул аъзам” маъноси “кatta коралик”, “улкан жамоат” маъносига тўғри келади. Саҳобаи киромлар даврида улкан жамоат ҳидоятда бўлишган, фақат жуда озчилик кишиларгина залолатда бўлган. Аммо кейинчалик залолатга кетганлар ҳидоятда юрганларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам уламолар ушбу ҳадисда хабар берилган “саводул аъзам”ни адади кўп ё кам бўлишидан қатъи назар, Ахли сунна валжамоадир, деганлар.

Демак, мазкур ҳадиси шарифларга кўра Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг умматлари ҳам кўплаб фирқаларга бўлиниб кетадилар. Аммо улар орасидан фақат биттаси у зотнинг ва саҳобаларининг ҳамда уларга эргашганларнинг йўлларини маҳкам ушлаган бўладилар. Бу зотлар умматнинг “саводул аъзам”и бўлишади. “Саводул аъзам”дан ажралмаслик Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг барча умматларига карата айтган буйруқлари ҳисобланади.

Имом Мотуридийроҳматуллоҳи алайҳининг шогирдларидан бири Абул Қосим Ҳаким Самарқандий “Саводул аъзам” асарида ҳадиси шарифда хабар берилган нажот топувчиларнинг олтмиш иккита хислатини баён қилган. Уларнинг айримлари қуидагилардир:

- мусулмонлар жамоасига қарши чиқмаслик;
- қибла аҳли бўлган кимсани, мадомики ҳалол санаб қилмаган бўлса, бирор гуноҳ туфайли кофирга чиқармаслик;
- қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳдан деб билиш;
- ноҳақ равишда бирор мусулмонга қарши қилич кўтармаслик;
- Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шафоатларини ҳақ деб билиш;
- валийларнинг кароматларини инкор этилмайдиган ҳақ деб билиш;
- гуноҳкор мўминларга гуноҳлари миқдорича дўзах азоби бўлишини ҳақ деб билиш;
- Аллоҳ таолони макон, замон, келиш ва кетиши (каби маҳлукларнинг сифатлари)дан холи деб билиш.

Абул Қосим Ҳаким Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу асарида мазкур хислатларни мотуридия мазҳабига кўра баён қилган.

МУҲОКАМА

Баъзи уламолар ҳадиси шарифда хабар берилган етмиш уч фирманинг асли еттига фирмқага тақалади, деганлар ва уларни номма-ном келтирганлар.

Хожа Мухаммад Порсонинг “Ҳафтоду се фирмқа” (“Етмиш уч фирмқа”) асарида ҳам исломий фирмқалар ҳақида маълумотлар берилган ва уларнинг асосий ғоялари қаламга олинган ҳамда уларга аҳли суннат вал жамоат олимлари томонидан берилган раддиялар нақл қилинган. Рисола 21 варагдан иборат, форс тилида, настаълиқ ҳатида. Асарнинг ягона нусхаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалари фондида №10870/III – кўллэзма таркибида учинчи асар.

“Ҳафтоду се фирмқа” рисоласи “Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм”дан сўнг қуидагича бошланган:

“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар: “сарави олам (с.а.в.)дан Суннат ва жамоат мазҳабининг ким эканлиги борасида сўрадим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу ҳадисни марҳамат қилдилар:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "افتقرت اليهود على إحدى (أو اثنين -) وسبعين فرقة، وافتقرت النصارى على اثنين وسبعين فرقة ، وستفتق أمتى على ثلات وسبعين فرقة، كلهم في النار إلا واحدة" ، قيل: من هم يا رسول الله؟ قال: "الذين هم على ما أنا عليه وأصحابي"

(Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят килинади. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар): “Яхудийлар етмиш бир (ёки етмиш икки, дедилар) фирмқага бўлинди. Насронийлар етмиш икки фирмқага бўлинди. Умматим етмиш уч фирмқага бўлинадилар, ҳаммалари дўзахдадилар, фақат бир фирмқа (жаннатий бўлади)”. Улар кимлар, ё Расулуллоҳ, дейишди. “Улар менинг ва саҳобаларим йўлида бўлганлардир”, дедилар”.

Кейин “Уммати Муҳаммад (с.а.в.) фирмқасининг фиҳрести” сарлавҳаси остида етмиш учта фирмқанинг номи санаб ўтилган бўлиб, жумладан, жабарийя, қадарийя, ҳулулийя, мўътазила, жаҳмийя, занодиқа, таносухийя ва Суннийя – Нажотийя фирмқалари.

Кейин юқоридаги ҳадис янга келтирилган:
ستفتق أمتى على ثلات وسبعين ملة، كلهم في النار إلا واحدة.
قالوا: ومن هي يا رسول الله؟ قال صلى الله عليه وسلم: "الذين هم على ما أنا عليه وأصحابي. و هي سواد الاعظم".

“Умматим етмиш уч фирмага бўлинадилар, ҳаммалари дўзахдадирлар, фақат бир фирмә (жаннатий бўлади)”. У фирмә кимлар, ё Расулуллоҳ, дейишди. “Улар менинг ва саҳобаларим йўлида бўлганлардир. Шу фирмә саводул аъзамдир”, дедилар.

Бу ҳадисдан кейин котиб томонидан: “Қутбул машойих Хожа Муҳаммад Порсо раҳматуллоҳи алайхининг рисоласидан нақл қилинди”, қайди қўшимча қилинган.

Кейинги сатрлардан асарнинг асосий қисми бошланади. Бунда ҳар бир фирмәнинг асосий даъволари қисқа маънолари келтирилган ва кейин уларга аҳли суннат вал жамоат олимлари томонидан берилган раддиялар ҳам қисқа ва мазмунли қилиб ёзилган.

Фикримизча, асарда номлари келтирилган фирмәларнинг ҳаммаси ҳам машхур оқимлар эмас. Балки, муаллиф ўзига маълум ва ўз замонасигача чиқкан фирмәларнинг рўйхатини, уларнинг бош эътиодий ғояларини келтирган, холос. Бу ерда тилга олинган фирмәлар орасида ислом уммати олимлари томонидан яқдил адашган дея эътироф қилинган оқимлар ҳам бор. Уларга батафсил изоҳлар бериш, ҳозирги давримизда мавжуд бўлган фирмә ва оқимларнинг ғоялари билан таққослаш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш эса навбатдаги тадқиқотлар мавзууси бўлади.

Ҳозирча, ҳалқимиз оқдан қорани ажратиб олиши учун, турли ақидапараст адашган оқимлар ҳар кандай даврда бўлишини билишлари учун ушбу рисола таржима қилиб, нашр этилди. Зеро, асар номидан кўриниб турибдики бугунги кунда ҳам долзарб бўлган масалаларга бағишлиланган (Исмоилов М., 2023).

НАТИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон ҳалқига Мурожаатномасида маънавият соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир ватандошимизга қуйидаги савол зимнида вазифа қўйилди:

“Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёхвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк

уламолар етишиб чиқкан бизнинг диёrimизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?” (Мурожаатнома. <https://xs.uz/uzkr/post/>).

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, Ислом оламига устоз бўлиб келган аллома боболаримиз яшаган бизнинг юртимизда бузғунчи оқимлар, ақидапарстлар бўлмаслиги керак, албатта! Шундан келиб чиқиб, ёшларимизга ҳар хил кимсаларнинг фирибларига, фитналарига учмасликни тайинлаймиз. Шунингдек, уларни Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари айтган ушбу насиҳатларга амал қилишга чақирамиз:

Жамоат аҳли суннат тузган эрлар
Дедилар: “Турфа нозикдур бу йўллар”.
Улуг йўлни қўйуб, ўлгунча, эй ёр,
Қадам қўйма тояр ерларға зинҳор.

Бу олtinga тенг насиҳатларига амал қилиб, аҳли суннат вал жамоат йўлидан юрсак, отабоболаримиз амал қилиб келган мотуридия ақидасига, ҳанафия мазҳабига ва нақшбандия тариқатига амал қилсак, дунё ва охират саодатига эришамиз, Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари килган дуолари бизнинг ҳаққимизда ҳам ижобат бўлади, инша Аллоҳ!

Ойурма яхшиларни орасидин,
Йироқ этма Ҳабибинг “қора”сидин.

ХУЛОСА

Ёзма манбалар инсоният тарихидан хабар берувчи, маълум бир юртнинг цивилизациясига гувоҳлик берувчи қимматбаҳо мерослардан бўлиб, бу бебаҳо бойликни сақлашга ҳукуматлар, ҳалқаро жамиятлар катта эътибор билан қарамоқдалар.

Мустақиллик йилларида манбашунос ва тарихшунос олимларимиз томонидан маънавий меросимизни, жумладан, тасаввуф тарихи, тариқат пирлари фаолияти ва соҳага доир манбаларни ўрганиш кенг кўламда бошлаб юборилди. Тасаввуфий ёзма манбаларнинг таржима ва таҳлилига оид ишлар эълон қилина бошлади ва уларда тасаввуф тарихига оид маълумотлар секин-аста борилди.

Хожа Муҳаммад Порсо турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст олимлардан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия

оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машхур бўлган.

Баҳоуддин Накшбанд вафоти олдидан Хожа Муҳаммад Порсони ўз ўрнига тайин қилиб: “Хижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин”, деганлар.

Муршидлик мартабасига етган Хожа Муҳаммад Порсо тафсир, ҳадис, тасаввуф, қалом, география, адабиёт, тарих, фикҳ каби соҳаларда ҳам моҳир олим бўлиб, қирқдан ортиқ асарлар ёзган. Унинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари кейинги аср мутасавифлари учун дастурул амал бўлиб келган.

Бундан ташқари унинг ақида борасидаги асарлари юртимиз мусулмонлари амал қилиб келган мотуридийя йўналишида ёзилган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Жумладан, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Ҳафтоду се фирм” рисоласи ва ақида мавзусидаги бошқа асарлари бугунги глобаллашув даврида турли ўлкаларда динни ўз билганича талқин этаётганларга, ақидапараст адашган оқим вакилларига раддиялар беришда илмий асосли кўрсатмалар баён қилинган қимматли манба сифатида муҳимдир.

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Ҳафтоду се фирм” – “Етмиш уч фирм” асари бугунги кунда ҳам долзарб бўлган масалаларга бағишланган. Асар номидан кўриниб турибдики, унда исломий фирмалар ҳақида маълумотлар берилган ва уларнинг асосий ғоялари қаламга олинган ҳамда уларга аҳли суннат вал жамоат олимлари томонидан берилган раддиялар нақл қилинган.

Тўғри асарда номлари келтирилган фирмаларнинг ҳаммаси ҳам машҳур оқимлар эмас. Фикримизча муаллиф Хожа Муҳаммад Порсо ўзига маълум ва ўз замонасигача чиқкан фирмаларнинг рўйхатини, уларнинг бош эътиқодий ғояларини келтирган, холос. Бу ерда тилга олинган фирмалар орасида ислом уммати олимлари томонидан яқдил адашган дея эътироф қилинган оқимлар ҳам бор. Рисолада номлари санаб ўтилган фирмаларга батафсил изоҳлар бериш, ҳозирги давримизда мавжуд бўлган фирм ва оқимларнинг ғоялари билан таққослаш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш эса навбатдаги тадқиқотларда амалга оширилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қаранг: <https://lex.uz/docs/4791086>.
2. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlis-va-ozbekiston-khalqiga-murozhaatnomasi>.
3. Ж. Нуриддинов. (2018). Авроди Накшбандия. Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
4. Али ибн Аҳмад ал-Ғурӣ. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод: Қўллэзма. ЎзР ФА ШИ, инв. №2393. 464 х.й. 386 варак.
5. Бабаджанов Б. (1996). Политическая деятельность шайхов Накшбандия в Мавараннахре (I пол. XVI в.): Дис. ... канд. ист. наук. Тошкент: ИВ АН РУз.
6. Баратов М., Усмон О. (1995). Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент: Ўзбекистон.
7. Бўриев О., Ҳасанов М. (2001). Хожа Муҳаммад Порсо // Маънавият юлдузлари. Тошкент.
8. Зиёдов Ш. (2009). Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси // Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. Илмийтўплам I том. Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёти.
9. Исмоилов М. (2023). Хожа Муҳаммад Порсонинг “Етмиш уч фирм” асари исломдаги фирмалар тарихини ўрганишга оид манба сифатида. Монография. Тошкент: Маҳалла ва оила.
10. Исмоилов М. (2019). Хожа Муҳаммад Порсонинг Шарқшунослик институтида сақланаётган асарлари / Имом Бухорий сабоқлари, №3.
11. Каримов Э. (1996). Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV в.в.: Дис. ... док. ист. наук. Тошкент: Институт истории АН РУз.
12. Хидирова Н. (2004). Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси: Дисс. ... тарих. фан. номзод. Тошкент: ЎзР ФА Тарих институти.
13. Хожа Муҳаммад Порсо. ал-Ҳадис ал-арбаъун. ЎзР ФА ШИ кўллэзмаси, №8825/IV.
14. Хожа Муҳаммад Порсо. Тафсири Куръон. ЎзР ФА ШИ кўллэзмаси, №2180.
15. Хожа Муҳаммад Порсо. (нашр йили кўрсатилмаган) Фасл ул-хитоб. Тошкент: F. Орифжонов матбааси.
16. Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Порсои Бухорий. (1354). Қудсия (Каломоти Баҳоуддин Накшбанд. Бо муқаддима, тасбех ва таълиқ аз Муҳаммад Тоҳири Ироқий). Техрон.
17. Evrad-I Bahaiyye. (1991). Турк ва араб тилларида. <https://www.kerimusta.com/evrad-i-bahaiyye>. Koprulu Fuad. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. Ankara.
18. De Weese D. (1988). The Elipce of the Kubraviyah in Central Asia // Iranica Studies. vol. XXI. № 1-2.

REFERENCES

1. The decision of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev dated April 16, 2020 "Fundamentally improve the personnel training system and increase scientific potential in the field of Oriental studies". See: <https://lex.uz/docs/4791086>.
2. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevny-olij-mazhlis-va-uzbekiston-khalqiga-murozhaatnomasi>.
3. J. Nuriddinov. (2018). Avrodi Naqshbandiya. Tashkent: "International Islamic Academy of Uzbekistan" publishing-printing association.
4. Ali ibn Ahmad al-Guri. Kanz al-Ibad fi Sharh al-Awrod: Manuscript. UzR FA Shi, inv. #2393. 464 AD 386 pages.
5. Babadjanov B. (1996). Politicheskaya deyatelnost sheikhov Nakshbandiya v Mavarannakhre (I pol. XVI c.): Dis. ... cand. ist. science Tashkent: IV AN RUz.
6. Baratov M., Usman O. (1995). Currents of mysticism in Central Asia // From the history of socio-philosophical thoughts in Uzbekistan. Tashkent: Uzbekistan.
7. Boriev O., Hasanov M. (2001). Khoja Muhammad Porso // Stars of spirituality. Tashkent.
8. Ziyadov Sh. (2009). Library of Khoja Muhammad Porso // Current problems of religious studies. Scientific collection Volume I. Tashkent: Publishing House of Tashkent Islamic University.
9. Ismailov M. (2023). Khoja Mohammad Porsonin's work "Seventy-three sects" as a source for studying the history of sects in Islam. Monograph. Tashkent: Neighborhood and family.
10. Ismailov M. (2019). Works of Khoja Muhammad Porso stored in the Institute of Oriental Studies / Lessons of Imam Bukhari, #3.
11. Karimov E. (1996). Sufi tarikaty v Tsentralnoy Azii XII-XV centuries: Dis. ... doc. hist. science Tashkent: History of the Institute AN RUz.
12. Khidirova N. (2004). Scientific heritage of Khoja Muhammad Porso: Diss. ... history. science. candidate. Tashkent: History Institute of the Russian Academy of Sciences.
13. Khoja Mohammad Porso. al-Hadith al-arba'un. Manuscript of UzR FA Shi, #8825/IV.
14. Khoja Mohammad Porso. Tafsir Qur'an. Manuscript of UzR FA Shi, #2180.
15. Khoja Mohammad Porso. (the year of publication is not indicated) Fasl ul-Khitab. Tashkent: G. Orifjanov printing house.
16. Khoja Muhammad ibn Muhammad Porsai Bukharai. (1354). Qudsiya (Kalamoti Bahauddin Naqshband. Bo introduction, tasbeh and taliq az Muhammad Tahiri Iraqi). Tehran.
17. Evrad-I Bahaiyye. (1991). In Turkish and Arabic. <https://www.kerimusta.com/evrad-i-bahaiyye>. Koprulu Fuad. The first mystics in Turkish literature. Ankara.
18. De Weese D. (1988). The Ellipse of the Kubraviyah in Central Asia // Iranica Studies. Vol. XXI. No. 1–2.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.